O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
G'ALLAOROL TUMANI
H O K I M I
Q A R O R I

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

2019 йил 19 сентябр **Ғаллаорол шаҳри** **№ 8488**

Туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги "Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4407-сонли қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш максадида, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни 6-моддасига асосан,

Қарор қиламан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги "Республика иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4407-сонли қарори ҳамда Жиззах вилоят ҳокимининг 28 августдаги 314-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

а) туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар 1-иловага мувофиқ;

туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барқарор ишлашга тайёрлаш;

ёқилғи-энергетика тармоғининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш;

кўп квартирали турар жой фондини барқарор ишлашга, аҳоли ва истеъмолчиларни иссиқлиқ энергияси билан узлуксиз таъминлашга тайёрлаш;

ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш:

б) асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-

ускуналарни 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва капитал таъмирлаш параметрлари 2-иловага мувофиқ;

в) асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарни 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва жорий таъмирлаш параметрлари 3-иловага мувофиқ;

г) ижтимоий соҳа объектларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари 4-иловага мувофиқ;

д) кўп квартирали турар жой фондини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари 5-иловага мувофиқ;

е) 2019-2020 йиллар куз-қиш даврига кўмир маҳсулотлари ғамлаш ва техник туз тайёрлаш, шунингдек, суюлтирилган газни ҳудудлар бўйича етказиб бериш параметрлари 6-иловага мувофиқ:

ж) туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича туман комисияси (кейинги ўринларда туман комиссияси деб аталади) таркиби 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Туман комиссияси:

а) бир ой муддатда туман иқтисодиёти тармоқларини 2018-2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш асосида коммунал соҳа ташкилотлари, қозонхоналар, кўп ҳонадонли уйлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида жойлардаги ишларнинг ҳолати танқидий ўрганиб чиқилишини;

б) ўрганиш натижалари бўйича;

тегишли корхона ва ташкилотлар бўйича – туман ҳокимининг ўринбосарлари томонидан:

туманнинг ҳар бир ҳудуди тегишли корхона ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда ушбу қарор билан тасдиқланган комплекс тадбирларни амалга оширишнинг батафсил тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини, шунингдек, туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва таъминлаш параметрлари ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

3. Туман ташкилотлари раҳбарлигида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича ҳудудий комиссияларни ташкил этсинлар.

4. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Т.Қўчқоров, А.Мамаражабов, Ғ.Тўйчиев), тегишли ташкилотлар раҳбарлари зиммасига иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашга йўналтирилган тадбирлар ҳамда

ишлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шаҳсий масъулият юклансин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосари (А.Мамаражабов);

туманда ижтимоий соҳа объектларини, кўп квартирали уйларни куз-қиш даврига тайёрлашни, автомобиль йўллари, кўчалар ва умумий фойдаланиладиган жойлар, марказлаштирилган ва маҳаллий қозонхоналар, иссиқлик, сув қувури ва канализация тармоқлари, маҳаллалар ҳудудларининг санитария ҳолати талабларига мувофиқ тартибга келтирилишини, шунингдек, кўмир маҳсулотлари ғамланишини жойларга чиқиб шахсан назорат қилинишини;

назорат натижалари бўйича объектларни 2019-2020 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш учун масъул бўлган барча тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ҳамда уларнинг шаҳсий масъулиятини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилишини таъминласин.

6. Туман электр тармоқлари корхонаси (О.Султонов), 4-сон туманлараро газ таъминоти Ғаллаорол участкаси (С.Муродов) билан биргаликда куз-қиш даврида ёқилғи-энергетика ресурслари, электр энергияси етказиб бериш, трансформатор подстанцияларини таъмирлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлашга боғлиқ муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш ва камчиликларни бартараф этиш учун жойларга чиқиб, аҳоли билан шахсан учрашувлар ўтказсин.

7. Туман электр тармоқлари корхонаси (О.Султонов), 4-сон туманлараро газ таъминоти Ғаллаорол участкаси (С.Муродов) асосий ёқилғи-энергетика ресурслари барча тоифадаги истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилиши бўйича тадбирлар сўзсиз бажарилиши учун шахсан масъул экаликлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

8. Туман ҳокимининг ўринбосари (Ғ.Тўйчиев) жойларга чиқиб, ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш, уларнинг санитария ва ободонлаштириш талабларига мувофиқлигини таъминлаш ишларини ташкил этсин.

9. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (У.Умирзоқов), иқтисодиёт ва саноат бўлими (З.Жониқулов) билан биргаликда 2019 йил 1 сентябргача бўлган муддатда:

2018-2019 йиллар қиш-баҳор даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлашда йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш асосида аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб туман бўйича 2019-2020 йиллар қиш-баҳор даври учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини ғамлашнинг реал ҳажмларини белгилансин, бунда, нархларнинг кескин кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида картошка, пиёз, сабзи, карам, гуруч ва дуккакли эканлар маҳсулотларини ғамлашга алоҳида эътибор каратилсин;

ғамланиши керак бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини сақлашнинг зарур шароитларини таъминлаш ва ғамлашнинг

тўлиқлиги ҳамда маҳсулотларнинг зарур тарзда сақланиши учун масъул шаҳсларни белгилаш бўйича аниқ таклифларни вилоят ҳокимлигига белгиланган тартибда киритилсин.

10. Туман ҳокимининг ўринбосари (А.Мамаражабов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (Ф.Ўролов) жойларга чиққан ҳолда, кўп хонадонли уйлар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини куз-қиш даврида барқарор фаолият юритишга тайёрлигини, марказлаштирилган ва жойлардаги маҳаллий иситиш қозонхоналари, иссиқлик, ичимлик суви ва канализация тармоқлари, маҳалла худудларининг санитария ҳолати тартибга келтирилганлигини шахсан назоратга олиб, амалга оширилган ишлар юзасидан туман ҳокимлигига ахборот киритиб борсин.

11. Туман комиссияси аъзолари иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида тизимли ахборот берилишини таъминласин.

12. “Ғаллаорол овози” газетаси тахририяти (А.Отамуродов)га мазкур карорнинг махаллий матбуотда чоп этилиши ва унинг ижроси буйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

13. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2018 йил 7 сентябрдаги 3040-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Т.Қўчқоров, А.Мамаражабов, Ғ.Тўйчиев) иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш учун масъул бўлган барча тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича доимий мониторинг юритиб, муҳокама қилиб борсинлар.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари А.Мамаражабов, У.Умирзоқов, Ғ.Тўйчиевлар зиммасига юклатилсин.

16. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Туман ҳокими **Ж.Оқбоев**

Туман ҳокимининг
2019 йил “19” сентябр
8488-сонли қарорига
1-илова

Туман иқтисодиёти тармоқларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъул
I. Иқтисодиёт тармоқларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича тадбирлар			
1.	Туман аҳоли пунктлари, коммунал хўжалиги корхоналари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, ижтимоий соҳа муассасаларини қозонхоналар ва мухандислик тармоқларини таъмирлашни амалга оширган ҳолда 2019-2020 йиллар куз-қиш мавсумида узлуксиз ишлашини таъминлаш; Аҳолининг суюлтирилган газ (овқат тайёрлаш учун), кўмир (мазкур қарорнинг 5-иловаси) ҳамда узоқ ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида яшовчи аҳолини муқобил ичимлик суви (ташиб келтириладиган сувни қўшган холда) манбалари билан узлуксиз таъминлаш бўйича (амалга ошириладиган ишлар, бажарилишига масъуллар, бажариш муддатларини аниқлаган холда) чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Уч кун муддатда	Тумандаги барча ҚФЙ, МФЙлар, тумандаги тегишли корхона ва ташкилотлар
2.	Ўтган иситиш мавсумида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этилишини таъминлаган ҳолда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик энергияси, электр энергияси, табиий газ билан кафолатли таъминлаш бўйича чора-тадбир ишлаб чиқиш.	Уч кун муддатда	Тумандаги барча ҚФЙ, МФЙлар, тумандаги тегишли корхона ва ташкилотлар

3.	2019-2020 йиллар куз-қиш даври учун иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган нефт, газ конденсати, нефт маҳсулотлари, суюлтирилган газ, кўмир ва кўмир брикети, туз ва бошқа юкларни узлуксиз ташиб етказиб берилиши бўйича чора-тадбир ишлаб чиқиш.	Уч кун муддатда	“Жиззахнефтбаза” УК Лалмикор филиали (Н.Худойбердиев), туман Газлаштириш корхонаси (С.Муродов), туман электр тармоқлари корхонаси (О.Султонов) “Жиззах ҳудудий кўмир етказувчи” УК, Ғаллаорол темир йўл бекати (А.Тайлоков)
4.	Ахоли истеъмолчиларига ойма-ой суюлтирилган газ етказиб бериш бўйича графиклар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Уч кун муддатда	туман Газлаштириш корхонаси (С.Муродов), қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари
5.	Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича инфратузилмани ривожлантириш.	Уч кун муддатда	туман Газлаштириш корхонаси (С.Муродов), барча ҚФЙ, МФЙ раислари
6.	Маиший газдан фойдаланиш жараёнида фавқулодда вазиятларни олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ижрога қаратиш	Уч кун муддатда	Ғаллаороltумангаз” филиали (С.Муродов), туман Фавқулодда вазиятлар бўлими, туман ИИБ барча ҚФЙ, МФЙ раислари
7.	2019-2020 йиллар куз-қиш мавсумининг кескин совуқ кунлари табиий газ истеъмоли қисқартириладиган улгуржи истеъмолчилар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Уч кун муддатда	Туман ҳокимлиги, туман Газлаштириш корхонаси (С.Муродов), туман электр тармоқлари корхонаси (О.Султонов), барча ҚФЙ, МФЙ раислари

8.	Куз-қиш мавсумида энергия истеъмолининг максимал кучланишли соатлари бўйича электр энергияси таъминотини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	Уч кун муддатда	Туман ҳокимлиги, туман Газлаштириш корхонаси (С.Муродов), туман электр тармоқлари корхонаси (О.Султонов), барча ҚФЙ, МФЙ раислари
9.	2019-2020 йиллар куз-қиш даврида электр ва табиий газ тармоғидан ўчирилмайдиган тоифаланган ва ўта мухим объектлар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Уч кун муддатда	Туман ҳокимлиги, туман Газлаштириш корхонаси (О.Содиқов), туман электр тармоқлари корхонаси (О.Султонов), барча ҚФЙ, МФЙ раислари
II. 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида ёқилғи-энергетика комплексини барқарор ишлашини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар			
10.	Газ етказиб бериш баланс кўрсаткичларини ҳисобга олиб улгуржи истеъмолчилар ва туман аҳолисига 2019 йил октябр 2020 йил апрел ойлари бўйича ойма-ой келишилган табиий газ етказиб бериш жадвалларини ишлаб чиқиш.	2019 йил 10сентиябрга қадар	Туман ҳокимлиги, туман Газлаштириш корхонаси (С.Муродов)
11.	Худудлардаги электр тармоқларини мукаммал таъмирланишини таъминлаш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Туман электр корхонаси раҳбари (О.Султонов)
12.	Аҳолини кўмир брикети билан таъминлаш (мазкур қарорнинг 5-иловасига асосан).	2019 йил 1 декабрга қадар	Тумандаги барча ҚФЙ, МФЙ раислари, “Жиззах худудий етказувчи” УК
13.	Табиий газ танқислиги кутилаётган туман аҳоли пунктларининг тасдиқланган рўйхатига асосан мазкур аҳоли пунктларидаги истеъмолчиларнинг манзилли рўйхатига кўра ойма-ой суюлтирилган газ ҳажмларини ажратиш ва етказиб бериш.	2019 йил 1 октябрдан 2020 йил 1 апрелга қадар	Туман ҳокимлиги, “Ғаллаороltумангаз” филиали (С.Муродов),
14.	Куз-қиш мавсумида қозонхоналарни узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида ташкилотлар томонидан (мазкур қарорнинг 5-иловасига мувофиқ) зарур хажмлардаги суюқ ва қаттиқ ёқилғи захирасини ташкил қилиш.	2019 йил 1 ноябрга қадар	Тумандаги барча ҚФЙ, МФЙ раислари, корхона ва ташкилотлар

15.	Худудларда аҳолини суюлтирилган газ ва кўмир ёқилғиси билан таъминлаш масалаларини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини фаол олиб бориш.	2019 йил Ҳар ойнинг 10 санасига қадар	“Ғаллаорол овози” газетаси (А.Отамурадов), барча ҚФЙ, МФЙ раислари
III. 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида кўп хонадонли уй-жой фондини барқарор фаолиятини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар			
16.	Худудлардаги ободонлаштириш бошқармасига қарашли кўча ва йўлларда қиш мавсумида музлик бўлмаслигининг олдини олиш учун зарур бўладиган материал-техник ресурслар ва жихозлар тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш	Уч кун муддатда	Тумандаги барча ҚФЙ, МФЙ раислари
17.	Кўп хонадонли уй-жой фондини техник фойдаланиш меъёрлари ва қоидаларига кўра уй-жой фондини техник соз ҳолатда сақлаш; Кўп хонадонли уйлардаги қурилма ва жихозларнинг созлиги, ёнғин хавфсизлиги ҳамда санитар-техник қоидаларга риоя қилиниши; Кўп қаватли уй-жойларни мунтазам кўрикдан ўтказиш ва жорий таъмирлаш, носозликларни бартараф этиш ва уй ичидаги жихозлардаги содир бўлиши мумкин бўлган авариялари бартараф этиш бўйича ташкилий чораларни; Умумий йиғилишларда ҳар бир хусусий уй-жой мулкдорлиги ширкатлари раҳбарларига баҳо бериш, қайта сайлаш ва уларни алмаштиришни амалга оширилиши; Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раисларининг хисоботини аҳоли ўртасида эшитиш тизимини жорий қилишни таъминлаш мақсадида; Маҳалла ва хусусий уй-жой мулкдорлари томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича тасдиқланган дастурлари ижросини ташкил қилиш ва ишларни амалга оширишда ҳар бир хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига бириктирилган участка нозирлари, солиқ инспекторлари, санитария эпидемиология маркази, бириктирилган ташкилот ва корхоналар, тижорат банклари масъулларининг иштирокини таъминлаш.	Тасдиқланган тармоқ жадвалига асосан	Тумандаги барча ҚФЙ, МФЙ раислари, бириктирилган корхона ва ташкилотлари ва тижорат банклари раҳбарлари

18.	Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хўжалиги ташкилотларининг авария-тиклаш ва диспетчерлик хизмати моддий техник базасини мустахкамлаш юзасидан зарурий тадбирларни ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, тегишли корхона ва ташкилот рахбарлари
19.	Кўп хонадонли уйлар, бино ва иншоатларнинг ҳолатини ёнғин хавфсизлигини техник меъёрлари асосида кўрикдан ўтказиш.	2019 йил	Туман ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими (Н.Хўжаёров)
20.	Иссиқлик энергияси олмайдиган кўп хонадонли уйларни аниқлаш. Уларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш чораларини кўриш.	1 октябрга қадар	Тумандаги МФЙ ва ШФЙ раислари
21.	Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва ҳомийларга кўп қаватли уй-жойларни капитал ва жорий таъмирлаш учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштиришда биноларнинг эксплуатация қилиш муддатлари ҳозирги меъёр ва коидаларга мос келишини таъминлаш.	2019 йил	Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, тумандаги барча тижорат банклари раҳбарлари, барча ҚФЙ, МФЙ раислари
22.	Кўп хонадонли уй-жой фондининг том қисмини мукаммал ва жорий таъмирланишини таъминлаш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, тумандаги барча тижорат банклари раҳбарлари, барча ҚФЙ, МФЙ раислари
23.	Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредитларнинг мақсадли ишлатилишини доимий мониторинг қилиб бориш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, тумандаги барча тижорат банклари раҳбарлари, барча ҚФЙ, МФЙ раислари

24.	Хусусий уй-жой мулкдорлари ва хомийларга кўп хонодонли уй-жойларни капитал ва жорий таъмирлаш учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари хисобидан молиялаштиришда биноларнинг эксплуатация қилиш муддатлари хозирга меъёр ва қоидаларга мос келишини таъминлаш	2019 йил 1 октябрга қадар	Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, тумандаги барча тижорат банклари раҳбарлари, барча ҚФЙ, МФЙ раислари
25.	Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари хисобидан кўп хонадонли уй-жойларнинг олд қисмидаги кириш йўлакларини таъмирлаш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, тумандаги барча тижорат банклари раҳбарлари, барча ҚФЙ, МФЙ раислари
26.	Кўп хонадонли уйларни қиш даврида фойдаланиш учун режалаштирилган иш ҳажмларини бажариш, иссиқлик тизимини изоляция қилиш, уй-жойларда иссиқлик таъминотининг сифатини яхшилаш чораларини амалга ошириш, ертўла ва том чертакларини текширишни ташкил қилиш, мухандислик тармоқларининг жойлашуви, иссиқлик узатиш пункти, ертўла ва кириш эшикларининг ёпилишини таъминлаш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, тумандаги барча тижорат банклари раҳбарлари, барча ҚФЙ, МФЙ раислари
IV. Аҳоли ва истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар			
27.	Қозонхоналарни мукаммал ва жорий таъмирлаш (зарур ҳолларда маънан эскирган ва иқтисодий самарасиз қозонларни алмаштириш), бунда қозонларнинг сертификати мавжудлиги ва куз-қиш мавсумига тайёрлиги тўғрисида далолатномалар мавжудлигига эътибор қаратиш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Тумандаги барча корхона, ташкилот ва муассаса рахбарлари
28.	Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Кенгаши билан олдиндан келишилмаган ҳолда ташкилотлардаги қозон жихозларини фойдаланишнинг техник талабларига жавоб бериш бўйича кўрикдан ўтказиш ва талабга жавоб бермайдиган қозонларни узиш ишларни амалга ошириш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Тумандаги тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари

29.	Мукаммал ва жорий таъмирланадиган қозонлар ва иссиқлик тармоқларини изоляция қилиш манзилли рўйхатини “Лалмикорнефтебаза” туман бўлимига тақдим қилишини таъминлаш.	2019 йил 1 октябрга қадар	Тумандаги барча ҚФЙ, МФЙ, ШФЙ раислари
V. Ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлаши бўйича амалга ошириладиган тадбирлар			
30.	Ижтимоий соҳа объектларидаги бино ва иншоотлардаги муҳандислик тармоқлари, шу жумладан хожатхонанинг санитария-гигиена меъёрлари талабларига жавоб бериши, қишлоқ жойлардаги ижтимоий тармоқларни зарурий қурилиш материаллари (рубероид, битум, шифер, ойна ва бошқа) билан корхоналарнинг смета харажатларида белгиланган маблағлар ҳисобидан таъмирлаш бўйича зарурий чоралар кўриш.	Тармоқ жадвалига асосан	Тумандаги барча ҚФЙ, МФЙ, ШФЙ раислари, туман Халқ таълими (Г.Аликулова), ТТБ (А.Эшмуратов)
31.	Табиий газ етиб бориши қийин бўлган худудлардаги ижтимоий соҳа объектларида иситиш қозонларини кўмирга мослаштириш ёки, янги қозонларга алмаштириш бўйича ойлик графикларни ишлаб чиқиш ва бунда кўмир билан таъминлашни назарда тутган холда идоралараро манзилли дастурни ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 сентябрга қадар	Тумандаги барча ҚФЙ, МФЙ, ШФЙ раислари, туман Халқ таълими (Г.Аликулова), ТТБ (А.Эшмуратов)
32.	Ижтимоий соҳа объектлари учун сертификатланган, талаб қилинадиган иситиш қозонлари билан таъминлаш чораларини кўриш.	2019 йил 1 сентябрга қадар	Тумандаги барча ҚФЙ, МФЙ, ШФЙ раислари, туман Халқ таълими (Г.Аликулова), ТТБ (А.Эшмуратов)
VI. Тадбирларнинг амалга оширилиши мониторинги			
33.	Иқтисодиёт соҳаларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш бўйича белгиланган тадбирларни бажарилиши, тайёргарлик ишларининг боришини худудий комиссиялар томонидан мухокама қилиш.	ҳар ойда	Туман ҳокимлиги копитал қурилиш, коммуникация, коммунал хўжалиги масалалари бўлими (А.Ачилов)
34.	Объектларни 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни кўриб чиқиш ва туман комиссиясига ахборотлар тақдим этиб бориш.	ҳар ойда	Тумандаги тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари

Туман ҳокимининг
2019 йил “19” сентябр
8488 -сонли қарорига
2-илова

Асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик ускуналарни 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда мукаммал таъмирлаш
ПАРАМЕТРЛАРИ

		Мукаммал таъмирлаш							
Т/р	**Туман номи**	**Кўп қаватли уйлар (дона)**	**Қозонхоналар (дона)**	**Қозонлар (дона)**	**Иссиқлик тармоқлари (км)**	**Ичимлик суви тармоқлари (км)**	**Газ тармоқлари (км)**	**Электр тармоқлари (км)**	**Трансформатор подстанцияси (дона)**
1.	Ғаллаорол					0,02	2,45	122,06	29

Туман ҳокимининг
2019 йил «19» сентябр даги
1488 -сонли қарорига
3-илова

Асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик ускуналарни 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда жорий таъмирлаш бўйича

ТОПШИРИҚ

Т/р.	Туман номи	Жорий таъмирлаш								
		Кўп қаватли уйлар (дона)	Қозон хоналар (дона)	Қозонлар (дона)	Иссиқлик тармоқлари (км)	Иссиқлик тармоқларини изоляция қилиш (км)	Ичимлик суви тармоқлари (км)	Газ тақсимлаш пунктларини тафтишдан ўтказиш (дона)	Электр тармоқлари (км)	Трансформатор подстанцияси (дона)
1.	Ғаллаорол						0,2	611	969,2	347

Туман ҳокимининг
2019 йил «19» сентябрдаги
8488-сонли қарорига
4-илова

Ижтимоий соҳа объектларини ҳудудлар бўйича 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича

ТОПШИРИҚ

	Мукаммал таъмирлаш				Жорий таъмирлаш				
ман оми	Умум таълим мактаблари (дона)	Касалхона ва амбулатор поликлиникалар	Болалар боғчалари (дона)	“Мурувват” ва “Саховат” реабилитация маркази, санатория, уруш ва меҳнат фахрийлари дам олиш муассасалари (дона)	Умум таълим мактаблари (дона)	Мактаблардаги ойналарни алмаштириш (кв.м)	Касалхона ва амбулатор поликлиникалар	Болалар боғчалари (дона)	“Мурувват” ва “Саховат” реабилитация маркази, санатория, уруш ва меҳнат фахрийлари дам олиш муассасалари (дона)
ıаорол					4	146	2	2	

Туман ҳокимининг
2019 йил "19" сентябрдаги
8488-сонли қарорига
5-илова

Ғаллаорол туманида 2019-2020 йилларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида кўп қаватли уй-жойлар хамда унга туташ ҳудудларида мукаммал ва жорий таъмирлаш, ободонлаштириш ишларининг

ПАРАМЕТРЛАРИ

Худуд номи	Таъмирланадиган уйлар сони	Том қисмини таъмирлаш	Кириш йўлагини таъмирлаш ва жихозлаш		Ички мухандислик тармоқларни таъмирлаш ва жихозлаш	Уйларнинг фасад қисмини таъмирлаш	Жами қуриладиган ва таъмирланадиган болалар майдончаси сони	шундан		Ирригация тизимини таъмирлаш	Тратуарларни бетон қопламаси билан таъмирлаш	Уй-жой худудидаги ташқи ёритиш тизимини таъмирлаш	Ноқонуний қурилмаларни бузиш	Жами қурилади ган ва таъмирла надиган лифт мосламал ари сони	шундан	
		майдони (минг м2)	Йўлаклар сони (дона)	Темир эшикларни ўрнатиш (қулф билан) (дона)	Ер тўла қисми (дона)	Уйлар сони (дона)		Қуриш (дона)	Таъмирлаш (сони)	Узунлиги (п/м)	Майдони (минг м2)	Ёритиш нуқталари сони (дона)			қуриш (сони)	Таъмирлаш (сони)
Ғаллаорол тумани	9					9	11	11			0,7					

Туман хокимининг
2019 йил "19" сентябрдаги
8488 -сонли қарорига
6-илова

2019-2020 йиллар куз-қиш даври учун кўмирни худудлар бўйича хамда ахоли учун суюлтирилган газ етказиб бериш

ПАРАМЕТРЛАРИ

Худуд номи	Кўмир (тонна)															2019 йил октябр-декабр ойларидан 2020 йил январ-март ойларигача ахолига суюлтирилган газ етказиб бериш
	Жами	Бюджет ташкилотлари	шу жумладан		шу жумладан								Ахоли жами	шу жумладан		
					Мактабгача таълими		Халқ таълими		Соғлиқни сақлаш		Касб-хунар			кўмир	кўмир брикети	
			кўмир	кўмир брикети	кўмир	кўмир брикети	кўмир	кўмир брикети	кўмир	кўмир брикети	кўмир	кўмир брикети				
Ғаллаорол тумани	4665	2565	661	1904	0	0	494	1409	25	87	142	408	2100	1400	700	531
Туман бўйича жами	**4665**	**2565**	**661**	**1904**	**0**	**0**	**494**	**1409**	**25**	**87**	**142**	**408**	**2100**	**1400**	**700**	**531**

Туман ҳокимининг
2019 йил «17» сентябрдаги
8488 -сонли қарорига
7-илова

Туман иқтисодиёти тармоқларини 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича туман комиссияси
ТАРКИБИ

1. Ж.Оқбоев	Туман ҳокими, комиссия раиси
2. Т.Қўчқоров	туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари
3. А.Мамаражабов	туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари
4. У.Умирзаков	туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари
5. Ғ.Тўйчиев	туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари
6. Ачилов А.Х.	туман ҳокимлиги капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик масалалар бўлими бош мутахассиси
7. Х.Хабибуллаев	туман ҳокимлиги иқтисодиёт ва тадбирколикни ривожлантириш бўлими мутахассиси
8. А.Убайдуллаев.	туман ҳокимлиги ёшлар сиёсати ижтимоий ривожлантириш ва маънавий марифий масалар бўлими бош мутахассиси
9. Ф.Ўролов	туман Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи
10. А.Суюнов	туман Халқ таълими бўлими бошлиғи
11. Х.Саидов.	туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
12. Б. Ризаев	туман ўрта махсус касб-ҳунар таълимига бириктирилган масъул
13. З.Хидиров	туман Мактагача таълим бўлими бошлиғи
14. М.Турдимурадов	туман Молия бўлими бошлиғи
15. З.Жониқулов	туман иқтисодиёт ва саноат бўлими
16. Б.Наимов	туман ИИБ бошлиғи
17. З.Мамаражабов	Туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи
18. С.Муродов	“Ғаллаоролтумангаз” филиали бошлиғи
19. О.Султонов	Туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи
20. Н.Худойбердиев	Лалмикор нефт махсулотлари корхонаси бошлиғи
21. А.Убайдуллаев	“Сувтаъминоти” ДК раҳбари
22. Рўйхат бўйича	Шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари